

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг очик сайёр суд мажлиси Конимех туман “Бирлик” МФЙ биносида бўлиб

Раислик қилувчи Х.Тухтаев

судья ёрдамчиси Д.Дўсмуродовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Конимех туман прокурори ўринбосари Ш.Куралаев ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] нинг иштирокида [REDACTED] ларни айблаш ҳақидаги № 1-2104-2501 [REDACTED] сонли жиноят иши кўрилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, [REDACTED] шайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 24.11.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 196²-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED], миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, [REDACTED] яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 24.11.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 196²-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб кўриб ҳамда тарафларнинг музокара нутқларини муҳокама қилиб, судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб қуйидагиларни

А н и қ л а д и :

Судланувчилар [REDACTED] давлат тасарруфида ва муҳофазасида бўлган сочма олтин конларидан бирор-бир рухсатномасиз



фойдали қазилмаларни “Олтин изловчилар усулида” яъни ер қаъри участкаларидан, шу жумладан сочма олтин конлари участкаларидан қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни носаноат усулида қазиб олишда ифодаланган жинойй хатти-ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида, олдиндан ўзаро жинойй тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб, 2025 йил 5 август куни соат 5 ларда Конимех тумани ҳудудида жойлашган сочма олтин кони участкаси ҳисобланмиш маҳаллий халқ томонидан “Чўнтибой” номи билан аталган чўл ҳудудида ноқонуний қазилма ишларини олиб бориб турган вақтда Навоий вилоят ИИБ НКМК ИИБ, туман ИИБ ЖҚБ ва НКМКнинг кўриқлаш отряди ходимлари томонидан аниқланиб, ҳодиса содир бўлган жойдан жами 1 дона полиэтилен қопга солинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Х.Сулаймонова” номидаги Республика суд экспертиза марказининг 19.09.2025 йилдаги 29/18(8070)11.1Z/14198-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, ҳар бир тоннасида 6.7 грамм олтин ҳамда 5.9 грамм кумуш маъдани бўлган умумий оғирлиги 32 кг 800 грамм бўлган маъданли тош-қумлар далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Бинобарин, [REDACTED] билан олдиндан жинойй тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб умумий қиймати $(32,8 \times 0.0067 \text{г} = 0,21 \text{г} \times 1390053 = 305\,478)$ 305 минг 478 сўм бўлган 0.21 грамм олтин ҳамда умумий қиймати $(32,8 \times 0.0059 = 0,19 \text{г} \times 15\,343 = 2\,969)$ 2 минг 969 сўм бўлган 0,19 грамм кумуш маъданлари бўлган жами 32 кг 800 граммни ташкил қилувчи фойдали қазилмаларни рухсатномасиз “олтин изловчилар усули”да қазиб олишганлар.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, 2025 йил 4 август куни ҳамқишлоғи [REDACTED] билан Конимех тумани чўл ҳудудида маҳаллий ном билан “Чўнтибой” деб номланувчи ҳудудидан таркибида тилла зарраси бўлган қум ва тошларни қазиб олиш учун соат 12 ларда боришгани, у ерда бошқа фуқаролар ҳам ишлаётгани кўриб, улар ҳам қум ва тошларни қовлаб олишни бошлашгани, шундан сўнг 2025 йил 5 август куни соат 5 ларда ИХҚО ходимлари келишгани ва уларга бу ерда қум ва тошларни қовлаш мумкин эмаслигини, бу ноқонуний эканлигини айтиб, улардан 1 дона оқ рангли полиэтилен қопга солинган тахминан 30 кг оғирликдаги қумларни тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бу ҳолат бошқа тақрорланмаслиги, оилавий шароитини, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, 2025 йил 4 август куни ҳамқишлоғи [REDACTED] билан Конимех тумани чўл ҳудудида маҳаллий ном билан “Чўнтибой” деб номланувчи ҳудудидан таркибида тилла зарраси бўлган қум ва тошларни қазиб олиш учун соат 12 ларда боришгани, у ерда бошқа фуқаролар ишлаб ётганини кўриб, улар ҳам қум ва тошларни қовлаб олишни бошлашгани, шундан сўнг 2025 йил 5 август куни соат 5 ларда ИХҚО ходимлари келишгани ва уларга бу ерда қум ва тошларни қовлаш мумкин эмаслигини, бу ноқонуний эканлигини айтиб улардан 1 дона оқ рангли полиэтилен қопга солинган



тахминан 30 кг оғирликдаги кумларни тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бу ҳолат бошқа такрорланмаслиги, оилавий шароитини, 5 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчилар [REDACTED] айбига тўлик иқрорлик ва пушаймонлик билдирган бўлса-да, уларнинг айби судда муҳокама қилинган ва ҳуқуқий баҳо берилган қўйидаги объектив далиллар билан тўлик исботланади:

фуқаровий даъвогар [REDACTED] судда, судланувчиларни иш бўйича таниши, уларга адовати йўқлиги, Тоғ-кон саноати ва геология саноатини назорат қилиш инспекцияси Шимолий-ғарбий ҳудудий минтақавий бошқармаси бошлиқ ўринбосари лавозимида ишлаши, у хизмат вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 декабрдаги 983-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган “Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратмаси ажратиш далолатномаси тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга ошириши, таркибида тилла зарралари бор бўлган кум ва тошларни қазиб олиш учун кон ажратмаси ажратиш далолатномаси рухсатномага мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган кон ажратиш далолатномаси асосида рухсат берилиши, фойдали қазилмалар конини ёки унинг бир қисмини рухсатномасиз ва кон ажратмаси ажратиш далолатномасиз ёки унинг чегарасидан ташқарида қазиб олиш тақиқланиши ва ишлаб чиқариш харажатлари қопланмаган ҳолда белгиланган тартибда тўхтатилиши, 2025 йил 5 август куни олинган тезкор маълумотларга асосан Навоий вилоят ИИБ НКМК ИИБ ва НКМК АЖ МКБ Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш отряди ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида судланувчилар [REDACTED] ҳамда [REDACTED] Конимех тумани ҳудудидаги маҳаллий номи “Боғ” бўлган ташландиқ тўланинг “Чўнтибой” деган ҳудудидан таркибида олтин моддаси бўлиши мумкин бўлган 32 килограмм 800 грамм маъданли тилло тошларни 1 дона полиэтилен қопга солиб олиб кетишга тайёрлаб қўйишганида тадбир иштирокчилари томонидан қўлга олинганидан хабари борлиги, ушбу кум ва тошлар ҳозирда 5-сонли ГМЗга топширилгани, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] га қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ [REDACTED] судда, судланувчиларни иш бўйича таниши, уларга адовати йўқлиги, 2025 йил 5 август куни соат 5³⁰ ларда ўз ишлари билан шуғулланиб юрганида, ўзларини ИИБ ходими сифатида таништириб, бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашгани, у рози бўлгач ИИБ ходимлари унга ва яна бир нафар холисга Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, ИИБ ходимлари билан бирга Конимех тумани ҳудудидаги маҳаллий номи “Чўнтибой” деган ҳудудига боришгани, у ерда кўплаб шахслар ноқонуний равишда таркибидан олтин моддаси бўлиши мумкин бўлган тупроқларни қазиб олиш ишлари билан шуғулланиб туришганини кўргани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ҳар бир фуқарони бирма-бир шахсига аниқлик киритиб, судланувчилар [REDACTED]



███ томонидан қазиб олинган 1 дона қопага солинган 32 кг 800 грамм маъданли тилло тошлар тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олингани ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ █ судда, судланувчини иш бўйича таниши, унга адовати йўқлиги, Навоий вилояти ИИБ НКМК ИИБ катта тезкор вакили лавозимида ишлаб келиши, 2025 йил 5 август куни Навоий вилоят ИИБ НКМК ИИБ ва НКМК АЖ МКБ Идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш отряди ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор кидирув тадбирлари натижасида, Шофиркон туманида яшовчилар █

███ Конимех тумани ҳудудидаги маҳаллий номи “Боғ” бўлган ташландиқ тўланинг “Чўнтибой” деган ҳудудидан таркибида олтин моддаси бўлиши мумкин бўлган 32 килограмм 800 грамм маъданли тилло тошларни 1 дона полиэтилен қопага солиб олиб кетаётганида қўлга олингани ва ҳолат юзасидан тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тергов органига тақдим қилингани ҳақидаги кўрсатуви;

Бундан ташқари, иш ҳужжатларидаги билдирги, далолатномалар, тушунтириш хатлар, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари, фотожадваллари, экспертиза хулосаси, аризалар, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ва жиноят ишида мавжуд бўлган ишончга сазовор бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар █ █нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 196²-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак”лиги қайд этилган.

Суд, судланувчи █га нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятни ғаразғўйлик ниятида содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, шунингдек, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси борлигини



инобатга олиб, Жиноят кодекси одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий тушунтиришларига амал қилган ҳолда ЖКнинг 196²-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазо муддати пробацция гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазо ижросини таъминлашни Шофиркон туман ИИО Пробацция гуруҳига юклашни, ҳукм қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятни ғаразгўйлик ниятида содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, 5 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, шунингдек, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, Жиноят кодекси одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий тушунтиришларига амал қилган ҳолда ЖКнинг 196²-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазо муддати пробацция гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазо ижросини таъминлашни Шофиркон туман ИИО Пробацция гуруҳига юклашни, ҳукм қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд ашёвий далил деб эътироф этилиб НКМК 5-сонли ГМЗда сақланаётган 32 кг 800 грамм оғирликдаги маъданли қум ва тошларни ҳукм қонуний кучга киргач НКМК 5-сонли ГМЗ ихтиёрига ўтказишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисми, ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади;

Х у к м

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 196²-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] га ишлаш ёки ўқишга кирган тақдирда ушбу вақтдан, шунингдек, иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Шофиркон



тумани, “ [REDACTED] ”
[REDACTED] чиқиб кетиш тақиқлансин.

Унга қуйидаги қўшимча тақиқ ва чеклашлар юклансин:

- ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Бухоро вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Жазо муддати пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Шофиркон туман ИИО Пробация гуруҳига юклансин.

Судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 196²-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] га ишлаш ёки ўқишга кирган тақдирда ушбу вақтдан, шунингдек, иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда [REDACTED]

[REDACTED] чиқиб кетиш тақиқлансин.

Унга қуйидаги қўшимча тақиқ ва чеклашлар юклансин:

- ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Бухоро вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Жазо муддати пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Шофиркон туман ИИО Пробация гуруҳига юклансин.

Судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб НКМК 5-сонли ГМЗда сақланаётган 32 кг 800 грамм оғирликдаги маъданли қум ва тошлар ҳукм қонуний кучга киргач НКМК 5-сонли ГМЗ ихтиёрига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкумлар ва фуқаровий даъвогарга ҳукм нухаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Навоий вилоят судига ўн сутка ичида апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ҳ.Тухтаев

